"АЛ-ФАТОВО-Л-ОЛАМГИРИЯ" АСАРИДА МЕРОСДАН МАҲРУМ ҚИЛУВЧИ ҲОЛАТЛАР ВА ҲАЖБ ИНСТИТУТИ

ФАКТОРЫ, ЛИШАЮЩИЕ ПРАВА НАСЛЕДОВАНИЯ, И ИНСТИТУТ ХИДЖБА В ТРУДЕ «АЛ-ФАТОВО-Л-АЛАМГИРИЯ»

DISQUALIFYING FACTORS IN INHERITANCE AND THE CONCEPT OF HAJB IN "AL-FATAWA AL-ALAMGIRIYA"

Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси
тадқиқотчиси Саидова Севара Алишер қизи
Тел: (+998) 90 949-98-30

АННОТАЦИЯ Мақолада меросдан маҳрум қилувчи омиллар — қотиллик, дин ихтилофи, муртадлик ҳолатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, ҳажб институти, унинг турлари ва ҳуқуқий аҳамияти атрофлича ўрганилган.

АННОТАЦИЯ В статье анализируются факторы, лишающие права наследования: убийство, различие религий и вероотступничество. Также рассматривается институт хиджба и его правовое значение.

ANNOTATION This article analyzes factors that prevent inheritance such as homicide, religious differences, and apostasy. It also examines the concept of hajb, its types, and legal significance.

Калит сўзлар: ҳажб, меросдан маҳрум, қотиллик, муртадлик

Ключевые слова: хиджб, лишение наследства, убийство

Keywords: hajb, disqualification, inheritance law

Ислом мерос ҳуқуқида айрим ҳолатлар мерос олиш ҳуқуқини чеклайди ёки бутунлай бекор қилади. "Ал-Фатово-л-оламгирия" асарнинг бешинчи боби – меросдан маҳрум қиладиган сифатларга бағишланган бўлиб, улардан биринчиси қулликдир. Қуллик сабабидан киши қариндошларининг ҳеч биридан мерос ола олмайди. Бу мавзу ислом дини илкпайдо бўлган жамиятнинг ижтимоий ҳаётида мавжуд бўлган ҳолат саналади. Мерос илмида қулнинг мерос ололмаслигига асос бўлган далилларнинг барчаси қуллик тизимини тугатиш мақсадида бўлган. Бугунги

кунга келиб қулдорлик тизими давлатчилик сиёсатида амалда бўлмагани учун бу мавзга батафсил тўхталинмаган.

Иккинчиси омил қотиллик ҳисобланиб, меросхўр мерос қолдирувчини ўлдирса, мерос олишдан маҳрум бўлади. "Ал-Фатово-л-оламгирия" асарида бу ўринда қотиллик сабаблари турлари келтириб шарҳлаб ўтилган бўлиб, агар меросхўр вафот этган кишидан ҳақсизҳеч нарсани мерос қилиб олмайди (яъни, меросдан ташқари бўлган ўзининг ҳаққини олади, аммо мерос олмайди.). Бу вазияту атайин ёки хато қилиб ўлдирган бўлса ҳамамал қилади. Мисол учун у ухлаётган бўлиб, мерос қолдирувчининг устига ағдарилиб кетса ёки томдан мерос қолдирувчининг устига йиқилиб тушиб ўлдириб қўйса ёки минаётган улови билан мерос олувчисини босиб олиши ва у вафот этса, унга меросхўр бўлмайди. Ёш боланинг, мажнуннинг, ақли заиф, зотилжам, васваса бўлиб қолган одамнинг ўлимга сабаб бўлиши меросдан ман қилмайдиди. Чунки ҳирмон, яъни меросдан маҳрум бўлиш тақиқланган қатл сабабли бўлади, буларнинг иши эса тақиқланган (қатл) ҳисобланмайди. Агар қудуқ кавлаган, йўлга тош қўйган, йўлга сув сепган одам ҳолати ўлимга сабабчи бўлса, умеросдан маҳрум қилмайди.Ушбу амаллари сабабли инсон вафот этса меросдан тўсилмайди. Бунга битта сабаб унинг атайин одам ўлдириш қасд қилмаганлигидир. Ҳар қандай қатл, агар қасос ёки каффоратни вожиб қиладиган бўлса, бу билан меросдан маҳрум бўлади.

Ота фарзандини хатна қилса ёки ҳижома қилса ёки ярасини ёрса, бу сабаб фарзанди ўлиб қолса, у меросдан маҳрум бўлмайди. Фарзандига уриб тарбия берса ва бундан ўлиб қолса, Абу Ҳанифа (р.а.) сўзларига кўра солиқ тўлайди ва меросидан маҳрум бўлади. Абу Юсуф ва Муҳаммад (р.ҳ.)сўзларига кўра эса ҳеч нарса тўламайди ва меросдан маҳрум бўлмаслиги ҳақида фатво берилган[17].

Асарда моликий мазҳабида меросни ман қилиб қўядиган қотиллик қасддан қилинган қотиллик саналгани сабабли бошқа қотилликлар меросни ман қилмаслиги келтирилган.Ҳанбалий мазҳабида эса қасосни, дияни ёки кафоратни вожиб қилувчи ҳар қандай қотиллик меросни тўсиши келтирилган. Бундан бошқалари эса ман қилмайди.Шофеъий мазҳабида қотилликнинг барча турлари меросни ман қилади.

[17] جماعة من علماء الهند. الفتاوى العالمكيرية. –البيروت: دار الكتب العلمية, .2015 –ج. .2 –ص.6 513 .

Фуқаҳолар наздида бу ўринда ҳанбалий мазҳабининг қарашлари мўътадилроғи экани таъкидланган.

Бундан ташқари диннинг ҳар хил бўлиши ҳам меросдан тўсади. Бунинг сабаби ислом ва бошқа динлар ўртасидаги фарқлиликдир. Аммо ўзга динлар ўртасидаги ҳар хиллик, масалан, насронийлик, яҳудийлик, мажусийлик, бутпарастлик кабилар меросдан тўсмайди.Ҳатто яҳудийлик, насронийлик ва мажусийлик ўртасида мерос олишни жорий этиши мумкин.

"Ал-Фатово-л-оламгирия" нинг куфр[18] аҳли мероси (ميراث اهل الكفر) деб номланган бобида мусулмонларнинг бир-бири билан насаб ва сабаб туфайли мерос олгани каби муайян диний эътиқодга эга бўлмаганлар ўзаро шу сабабларга кўра мерос олмасликлари белгиланган. Усома ибн Зайд (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда: Муҳаммад(с.а.в.): "Мусулмон ғайридиндан мерос олмайди, ғайридин мусулмондан мерос олмайди" деган[19].

Мерос ололмайдиган тоифалардан яна бири муртад[20]нинг мероси (ميراث المرتد) бўлиб, муртад киши мусулмондан ва ўзи каби муртад кишидан мерос олмайди. Агар муртад қатл қилинса ёки вафот этса ёки дорул ҳарб[21] (دار الحرب) га ўтиб кетса унинг исломда эканлигида тўплаган моли мусулмон бўлган меросхўрларига тегади.Ундан хотини агар мусулмон бўлса, мерос олади, шарти агар муртад вафот этган вақт у иддада бўлиши керак. Агар муртад вафот этишдан олдин унинг иддаси тугаб қолса ёки унга духул қилмаган бўлса, унга, яъни хотинига эридан мерос тегмайди. Агар хотини эри билан бирга муртад бўлган бўлса, эридан унга мерос тегмайди. Унинг муртад бўлган қариндошлари ҳам ундан мерос олмайди.Абу Ҳанифа (р.а.) наздида муртадлик ҳолида топган мол-дунёси байтул-молга қўйилади.Агар байтул-мол мавжудбўлмаса, муртаддан қолган мерос мусулмонлар манфаати учун ишлатилсин, деб омонатдор кишига берилади. Абу Юсуф ва Муҳаммад ибн Ҳасан (р.а.) сўзларига

[18] Куфр (араб. — кофирлик, инкор этиш, рад этиш) — Аллоҳнинг борлигини ва Муҳаммад (с.а.в.) келтирган ғайбий хабарларни рад этиш. Бундан ташқари, суннийликка кўра, Аллоҳни инкор этмасада, имон келтириш зарур бўлган бошқа хабарларни рад қилиш ёки "Аҳл ас-сунва вал-жамоа" эътиқодидан чиқиш ҳам куфр ҳисобланади. Қаранг: المعجم الوسيط. –القاهرة: مكتبة الشروق الدولية, 2014. –ص.512 .

[19] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ислом шариатида мерос илми. – Т.: "Ҳилол нашр" нашриёти. 2022. – 56 б.

[20]Муртад деб ислом динидан қайтган одамга айтилади.

[21] Ислом ҳуқуқшунослигида мусулмонларнинг сиёсий ва ҳуқуқий ҳокимияти ўрнатилмаган, ислом қонунлари амал қилмайдиган ҳудудни англатади.

кўра иккала ҳолатда топган барча мол-дунёси унинг мусулмонмеросхўрларига тақсимлаб берилади[22]. Жумҳур уламолар (моликий, шофеъий ва ҳанбалий мазҳаби)га кўра, мусулмон муртаддан мерос олмайди.Чунки бу мусулмон билан кофир ўртасида мерос олиш бўлиб қолади. Муртадлик ислом динидан чиқиш бўлиб, у бу иш билан кофирга айланиши ва унинг моли мусулмонлар учун ўлжа ҳисобланади, деб айтилган[23].

"Ал-Фатово-л-оламгирия" асарнинг алоҳида боби ҳажб масаласига ажратилган бўлиб, ҳажб (الحجب) сўзи араб тили луғатида "манъ қилиш" ва "тўсиш" маъносини билдиради. Мерос олимлари истилоҳида "Ҳажб – марҳумга ўта яқин меросхўр марҳумга яқин меросхўрни ёки марҳумга яқин меросхўр марҳумга узоқ меросхўрни тариканинг барчасидан ёки маълум бир қисмидан тўсишини ифодалайди". Масалан, марҳумнинг ўғли тирик бўлса, ўғлининг ўғли меросдан ҳажб бўлади, яъни тўсилади. Ҳажб меросдан маҳрум бўлиш деб тушунилмайди. Зеро, ҳажб бўлиш билан меросдан маҳрум бўлиш орасида катта фарқ бор. Меросдан маҳрум бўлган инсон худди ҳаётда йўқдек ҳисобланади. У бошқани ҳажб қилмайди. Масалан, бир киши ўз набираси тарафидан ўлдирилса, ўша набиранинг отаси ҳаёт бўлмаса ҳам қотиллик сабабидан ўша набира меросдан маҳрум бўлади. Ўзи ҳажб бўлган меросхўр – уламолар иттифоқи ила – бошқани ҳажб қилиши мумкин[24].

Ҳажб сифат билан ва шахс билан содир бўлади.Сифат билан ҳажб бўлишда ҳажб меросхўрда уни меросдан ҳажб қиладиган сифат борлиги учун бўлади. Масалан, қотиллик ёки муртад бўлиши. Шахс билан ҳажб бўлишда эса ҳажб бир шахс сабабидан бўлади. Бу киши меросга ҳажб бўлувчи одамдан кўра ҳақлироқ бўлиб, қолганларни меросдан тўсиб қўяди. Ушбу иккинчи тур ҳам ўз навбатида иккигаҳажби нуқсон (қисман тўсилиш) ва ҳажби ҳирмон (тўлиқ тўсилиш)бўлинади. Ҳажби нуқсон – марҳумга ўзидан яқинроқ меросхўр бўлгани учун кўпроқ бўлган фарз улушдан тўсилиб, камроқ бўлган фарз улушни олиш. Ҳажби нуқсон бўлиши мумкин бўлган меросхўрлар беш тоифани ташкил қилади. Улар:

---

[22] جماعة من علماء الهند. الفتاوى العالمكيرية. –البيروت: دار الكتب العلمية, 2015. –ج. 2. –ص.ب 510 .

[23] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ислом шариатида мерос илми. – Т.: "Ҳилол нашр" нашриёти, 2022. – 59 б.

[24] Қаранг: Афзал Аброр. Исломда мерос ва унинг тақсимоти. –Т: 2015.

Биринчиси эрбўлиб, у ўртада фарзанд борлиги сабабли яримдан ҳажб бўлиб, тўртдан бирини олади. Агар фарзанди бўлмаганида эр ярим олган бўлар эди.

Иккинчиси хотинбўлиб, у ҳам фарзанди борлиги сабабли тўртдан бирдан тўсилиб, саккиздан бирни олади.

Учинчиси ўғилнинг қизибўлиб, агар марҳумнинг қизи бўлса, ўғилнинг қизи ярим улушдан тўсилиб, олтидан бир олади.

Тўртинчиси ота бир сингил бўлиб, агар марҳумнинг туғишган синглиси бўлса, ота бир сингил яримдан ҳажб бўлиб, олтидан бир олади.

Бешинчиси онабўлиб, агар марҳумнинг зурриёти ёки икки ва ундан кўп ака-ука, опа-сингиллари бўлса, она учдан биридан ҳажб бўлиб, олтидан бир олади[25].

Ҳажби ҳирмон – марҳум билан унинг орасида ундан кўра марҳумга яқинроқ меросхўр бўлгани учун тариканинг барчасидан тўсилади. Масалан, ота бўлганда отанинг отаси ҳажби ҳирмон бўлади. Ҳажби ҳирмон фақат асабалар тарафидан бўлади. Шунинг учун она марҳумнинг ака-укаларини ҳажб қила олмайди. 6 тоифа вакиллари ҳеч қачон ҳажб бўлмайди: сулбий (туғишган фарзанд) ўғил, сулбий қиз, ота, она, эр, хотин[26]. Булардан қайси бири бор бўлса, тарикадан, албатта, улуш олади. Бу олти қариндош ҳеч қачон ҳажби ҳирмонга учрамайди.Ҳажби ҳирмонга учраши мумкин бўлган меросхўрлар эркаклар гуруҳига қуйидагилар киради:

Саҳиҳ бобо ота сабабли ҳажби ҳирмон бўлади. Яқин бобо узоқ бобони ҳажбқилади.

Туғишган ака ёки ука ота билан ҳам, эркак меросхўр фаръ билан ҳам ҳажб бўлади.

Ота бир ака ёки укалар ҳам туғишган ака ёки уканинг ҳажб қилувчилари билан ҳажб бўлади.

Она бир ака ёки ука, буларнинг бари асл ва фаръ билан ҳажб бўлишади. Асл эркак бўлиши шарт – ота, бобо (қанча юқориласа ҳам). Фаръ эркак ва аёл бўлиши мумкин – ўғил, қиз ва хз.

---

[25] جماعة من علماء الهند. الفتاوى العالمكيرية. –البيروت: دار الكتب العلمية, 2015. –ج. 2. –ص. 511 б.

[26] Ўша манба. – 519 б.

Ўғилнинг ўғли – ўғли билан ҳажб бўлади. Шунингдек, ҳар бир ўғилнинг ўғли ўзидан кўра яқинроқ ўғил сабабли ҳажб бўлади.

Туғишган ака ёки уканинг ўғли ҳам ота, бобо, ўғил, ўғилнинг ўғли, туғишган биродар ва ота бир биродар сабабли ҳажб бўлади.

Ота бир ака ёка уканинг ўғли эса туғишган ака ёки уканинг ўғли ҳажб бўлган сабаб билан ҳажб бўлади.

Туғишган амаки – ота бир биродарнинг ўғли билан ва ота бир биродарнинг ўғлини ҳажб вилувчи одамлар сабабли ҳажб бўлади.

Ота бир амаки – туғишган амаки сабабли ва туғишган амакини ҳажб қилувчи кишилар сабабли ҳабж бўлади.

Туғишган амакининг ўғли – юқоридаги каби ота бир амаки ва ота бир амакини ҳажб қилувчи одамлар сабабли ҳажб бўлади.

Ота бир амакининг ўғли – туғишган амакининг ўғли билан ва туғишган амакининг ўғлини ҳажб қилувчи одамлар билан ҳажб бўлади.

Асарда аёллар гуруҳига қуйидаги тартибда ҳажб бўлиши келтирилади:

Момо– онанинг онаси ва отанинг онаси билан барча ҳолатларда ҳажб бўлади.

Ўғилнинг қизи –битта ёки кўп бўлсалар ҳам, ҳажб бўлишади.

Туғишган опа ёки сингил – ота билан эркак меросхўр фаръ билан ҳажб бўлади.

Ота бир опа ёки сингил – туғишган опа ёки сингил асаба маъл-ғойрга айланган бўлса, шулар сабабидан ҳажб бўлади. Лекин асаба қилувчи топилса ҳажб бўлмайди.

Она бир опа ёки сингил – асл эркак ва эркак ва аёл меросхўр фаръ билан ҳажб бўладилар[27].

Юқорида келтирилган ҳажб масаласи бир қарашда мураккаб кўринса-да, аслида мерос тақсимотида ҳаммаси ўз ўрнида фойдаланилади. Бугунги кунда мерос тақсимлаш жараёнини осонлаштириш мақсадида иловалар ишлаб чиқилган бўлиб, улар ёрдамида мерос тақсимотини электрон шаклда осон ва тез амалга ошириш мумкин. Бу каби иловалар турли тилларда амал қилади.

Меросдан маҳрум қилувчи омиллар – қуллик, қотиллик, дин ихтилофи ва муртадлик масалаларининг кенг ёритилиши мерос ҳуқуқининг ахлоқий-ҳуқуқий

[27] جماعة من علماء الهند. الفتاوى العالمكيرية. –البيروت: دار الكتب العلمية, 2015. –ج. 2. –ص. 510 .

тамойилларга асосланганини кўрсатади. Хусусан, қотиллик ҳолатида меросдан маҳрум қилиш қоидасининг турли мазҳабларда турлича талқин қилиниши ислом ҳуқуқида ижтиҳодий ёндашув мавжуд бўлганига далил бўлади.

Ҳажб институти таҳлили шуни кўрсатдики, у мерос ҳуқуқида тартибга солувчи муҳим ҳуқуқий механизм ҳисобланади. Ҳажбнинг сифат билан ва шахс билан юз бериши, шунингдек, ҳажби нуқсон ва ҳажби ҳирмон турларининг аниқ фарқланиши мерос тақсимотида адолат ва мутаносибликни таъминлашга хизмат қилган. Айниқса, ҳажб билан меросдан маҳрум бўлиш ўртасидаги фарқнинг аниқ белгиланиши ҳуқуқий аниқликни таъминлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ал-Фатово ал-Оламгирия. – Байрут: Дор ал-Фикр, 2000.
2. Абдуллоҳ ибн Масъуд. Илм ал-Фароиз. – Қоҳира: Дор ас-Салом, 2005.
3. Абу Ҳанифа. Ал-Фиқҳ ал-Акбар. – Байрут: Дор ал-Кутуб ал-Илмия, 1998.
4. Абу Юсуф. Китоб ал-Хараж. – Байрут: Дор ал-Маърифа, 2002.
5. Муҳаммад аш-Шайбоний. Ал-Асрор фи-л-Фиқҳ. – Қоҳира: Дор ал-Фикр, 2001.
6. Ибн Қудама. Ал-Муғни. – Байрут: Дор ал-Фикр, 1997.
7. Ан-Нававий. Ал-Мажмуъ шарҳ ал-Муҳаззаб. – Байрут: Дор ал-Фикр, 2000.
8. Ибн Абидин. Радд ал-Муҳтар. – Байрут: Дор ал-Фикр, 2003.
9. Зуҳайлий В. Ал-Фиқҳ ал-Исломий ва адиллатуҳ. – Дамашқ: Дор ал-Фикр, 2004.
10. Каримов Ш. Ислом ҳуқуқи асослари. – Тошкент: ТДИУ нашриёти, 2018.
11. Раҳмонов А. Фароиз илми ва мерос ҳуқуқи. – Тошкент: Фан, 2020.
12. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. – Тошкент: Адолат, 2023.